

**ЦИТОМЕГАЛОВИРУС ИНФЕКЦИЯСИННИГ МУДДАТИДАН
АВВАЛ ТУГИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР АСАБ ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ**

Хазратқурова Машихура Исматовна

*Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети Дипломдан кейинги
таълим факултети неонатология курси ассистенти.*

Ҳамидов Маъмуржон Абдуваҳоб ўғли

*Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети Дипломдан кейинги
таълим факултети неонатология курси клиник ординатори.*

Жовлиев Сардор Юсуф ўғли

*Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети Дипломдан кейинги
таълим факултети неонатология курси клиник ординатори*

Самандарова Гулноза Миржамил қизи

*Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети Дипломдан кейинги
таълим факултети неонатология курси клиник ординатори*

УДК:616.053:61/616.8

Аннотация. Самарқанд вилоят Перинатал Маркази ва 1- сон түзгүрүк мажмуасида 2022-2023-йилларда түгилган 50 нафар муддатидан аввал түгилган чақалоқлар бўлиб, уларнинг 30 нафари цитомегаловирус инфекцияси бор оналардан түгилган чақалоқларда асаб тизими заарланиши билан, 20 нафар ЦМВИ аниқланмаган оналардан түгилган муддатидан аввал түгилган шартли соғлом чақалоқлар груҳи ўрганилди. Таດқиқот учун умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, нейросонография, чақалоқлар қонини ИФА текшируvida цитомегаловирус таҳлили ўтказилди. ПЗР таҳлили орқали она ва чақалоқнинг қонида ЦМВИ текширилди.

Калим сўзлар: Цитомегаловирус, чақалоқлар, инфекция, нуқсонлар, ҳомила, нейросонография, допплерография, ҳомиладорлик, марказий асаб тизими, церебрал фалажлик

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Аннотация. В 2022-2023 годах в Самаркандском областном перинатальном центре и родильном комплексе №1 родилось 50 недоношенных новорожденных, из них 30 с поражением нервной системы у детей, рожденных от матерей с цитомегаловирусной инфекцией, 20 Группа условно здоровых детей, родившихся недоношенными у матерей без ЦМВИ. Для исследования проведены общий анализ крови, общий анализ мочи, нейросонография, цитомегаловирусный анализ при ИФА исследовании крови детей раннего возраста. Путем ПЦР-анализа проверяли ЦМВИ в крови матери и новорожденных.

Ключевые слова: Цитомегаловирус, дети, инфекция, пороки развития, плод, нейросонография, допплерография, беременность, центральная нервная система, детский церебральный паралич.

Abstract. There were 50 premature babies born in 2022-2023 at the Samarkand Regional Perinatal Center and Maternity Complex No. 1, 30 of them with damage to the nervous system in babies born to mothers with cytomegalovirus infection, 20 A group of conditionally healthy babies born prematurely from mothers without CMVI was studied. For the study, general blood analysis, general urinalysis, neurosonography, and cytomegalovirus analysis were carried out in the IFA examination of infants' blood. By PCR analysis, CMVI was checked in the blood of the mother and the baby

Key words: Cytomegalovirus, babies, infection, defects, fetus, neurosonography, dopplerography, pregnancy, central nervous system, cerebral palsy

Статистик маълумотларга қараганда цитомегаловирус инфекцияси чақалоқлар орасида перинатал ўлимнинг 37.5%ини ташкил қиласи ва цитомегаловирус (ЦМВИ) натижасида келиб чиқсан туғма нуқсонлар натижасидаги ўлим 61.4%ни ташкил қиласи. Туғма цитомегаловирус инфекцияси симптомсиз ёки оғир шаклда кечиши, ЦМВИ натижасида тез-тез ўлим кузатилиши билан изоҳланади. Шунга кўра 90% ЦМВИ билан оғир

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

шаклда касалланган чақалоқларда кейинчалик турли хилдаги соматик ва неврологик асоратлар шаклланиши, симптомсиз кечганда еса фақатгина 5-17% болаларда ҳар хил патологиялар шаклланиши мумкин [4,2,3,7,10]. Ҳомиладорлик даврида аёлларда бирламчи ЦМВИ фаол шакли даражаси 1% дан ошмайди. Бундай даврда бирламчи заарланган аёл ҳомиласининг ЦМВ инфекцияси билан заарланиши 30-50% га етади, шундан 5-18 фоиз чақалоқларда жадал заарланиш белгиси кузатилади. Болаларнинг 80 фоизида туғма ЦМВИ белгисиз бўлиб қолади ва клиник қўриниши кечроқ намоён бўлади, 5-18 фоизида касалликнинг оғир кечиши билан намоён бўлади [2,5,6]. Ҳомила учун энг катта хавф асосан ҳомиладорликнинг дастлабки давридаги инфекцияланишdir. Аёлларнинг ўргача 2% (0,7-4%) ҳомиладорлик даврида бирламчи инфекцияни бошдан кечиради, шундан 35-40% (24%-75%) ҳомилага ўтади[9].

Ҳомила ичи инфекцияси перинатал ўлим даражасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Цитомегаловирус инфекцияси еса ҳомила ичи инфекциялари орасида биринчи ўринда туриб, турли хил нуқсонларнинг шаклланишида асосий сабабчилардан бири саналади [11,12]. ЦМВИ-нинг хусусиятларидан бири ҳужайра ичидан паразитлик қилиш ва даврий қайта фаолланиши, ривожланиши билан инсон организмида узоқ вақт қолиш қобилиятига ега. Касалликнинг клиник қўринишларининг хилма-хиллиги ЦМВИнинг ҳомиладорликнинг исталган босқичида ҳомила инфекция юқтириш даражаси билан белгиланади. Ҳомиладорликнинг дастлабки даврида ҳомила инфекцияланганида марказий асаб тизими, юрак-қон томир, буйрак ва бошқа тизимларнинг турли хил нуқсонлари ҳосил бўлади. Ҳомиладорликнинг кечки даврида инфекцияланганида эса янги туғилган чақалоқларда турли аъзолар ва тизимларнинг заарланишлари аниқланади. Туғма ЦМВИ билан янги туғилган чақалоқларнинг фаол кечган ҳолатида 40-90 фоизида узоқ муддатли неврологик оқибатлар ва эшлиши қобилиятини йўқотиш, шунингдек, кўриш органларининг заарланиши, жигар ва буйраклар заарланиши кузатилиши ва баъзан ўлим ҳолати билан

тугалланиши мумкин [12].

Тұғма ЦМВИ ривожланишининг ҳал қилувчи омили онада вирус билан бирламчи ёки қайта инфекцияланиш ёки унинг қайта фаоллашиши туфайли виремия келиб чиқады. Умумий ЦМВИ инфекциясининг клиник қўриниши марказий асаб тизимининг заарланиши (100%), анемия (79,0%), кичик аномалиялар (38,2%) ва тұғма юрак нүқсонлари (20,6%), колит (8,8%) ва турли бактериал касалликлар қўшилиши билан тавсифланади ва асосан ўпка тўқимасида жойлашган инфекциялар (67,6%), шунингдек, ҳаётининг биринчи йилидаги ногиронлик патологиясининг ривожланиши: болалар серебрал фалажи (29,4%), нейросенсор кўриш пасайиши (20,6%) ва эшитиш қобилиятининг бузилишига (2,9%) олиб келиши билан характерланади [2].

Тадқиқот мақсади: Цитомегаловирус инфекциясининг муддатидан аввал туғилган чақалоқлар асаб тизимиға таъсирини ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Текшириш обьектимиз Республика ихтисослаштирилган она ва бола соғлигини сақлаш илмий амалий тиббиёт муассасаси Самарқанд филиали ҳамда 1–сон туғруқ мажмуасида 2022-2023-йилларда туғилган 50 нафар муддатидан аввал туғилган чақалоқлар бўлиб, уларни анамнези, лаборатор таҳлиллари ва инструментал текширувлари, шунингдек бир ёшгача катамнез кузатуви ўтказилди. Чақалоқлар икки гурухга асосий ва шартли соғлом гуруҳларга бўлиб ўрганилди. Асосий гурухга онасида ЦМВИ аниқланган оналардан муддатидан аввал туғилган 30 нафар чақалоқлар ва оналарида ЦМВИ аниқланмасдан шартли соғлом муддатидан аввал туғилган 20 нафар чақалоқларни ташкил етди. Шартли соғлом гуруҳнинг гестацион ёши 32 ҳафтадан 36 ҳафтагачани ташкил етди. Асосий гуруҳдаги чақалоқларнинг тана вазни асосий гуруҳда 900 граммдан 2400граммгача бўлган муддатидан аввал туғилган чақалоқларни ташкил етган бўлса, шартли соғлом гуруҳда эса бу кўрсаткич 1820граммдан 2450граммгачани ташкил этган кечки неонатал даврда туғилган чақалоқлардан иборат бўлди. Умумий чақалоқлардан 37(74%) нафари ўғил болалар, 13(26%) нафари эса қиз болаларни ташкил қилди. Асосий гуруҳда чақалоқлар

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

оналарнинг 90% ҳомиладорлик даврида ҳомила тушиш хавфи фонида кечган ва стационар ва амбулатор муолажалар олган ЦМВИ бор аёллардан муддатидан аввал туғилган чақалоқлар кирди. Чақалоқларининг анамнези, клиникаси ва лаборатор инструментал текширув натижаси, шунинг билан чақалоқ оналарининг ҳаёт анамнези ва ЦМВИга ИФА ва ПЗР қон таҳлили ўрганилди. ЦМВИ-си чақалоқлар асаб тизими заарланиш таъсири адабиётларда тўлиқ ўрганилмагани боис асосий гурух чақалоқлар, шартли соғлом чақалоқлар гурухи билан таққосланиб ўрганилди.

Кузатилган чақалоқлар таҳлиллари “СМАРТ ДОКТОР” хусусий клиникасида чақалоқларнинг лаборатор таҳлилларидан ЦМВИ-ни иммунофермент анализ текшируви Миндрай МР-96А аппарати орқали, умумий қон таҳлили Миндрай БС-5000 аппаратида, қон биокимёвий таҳлили-Миндрай БС-380 аппарати орқали кузатилди. Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги Л.М.Исаев номидаги Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот марказида ПЗР текшириш усули БИОЕР аппаратида онанинг ва чақалоқнинг қон плазмасида ЦМВИ текширилиб, заарланиш даражаси ўрганилди. Инструментал текшириш ишлари СамДТУнинг Кўп тармоқли клиникасининг диагностика бўлимида ултратовуш текшируви(УТТ): нейросонография доплерография билан текширувлари, ички органларидан асосан юрак, буйраклари текширилиб таҳлил қилинди. Туғруқхонадан сўнг катамнезда чақалоқлар бир ойлигида, 3 ва 6 ойлигида ҳамда 1 ёшида назоратга олиниб кузатилган. Кўрикда умумий қон ва сийдик таҳлили ўтказилиб борилди. Шунингдек, туғруқхона шароитида аҳволи оғир бўлиб, еътиборга молик чақалоқлар ҳар беш-ўн кун оралиғи билан кузатув таҳлили олиб борилди.

Тадқиқот натижа ва муҳокамаси: Анамнезидан асосий гурух туғилишига қоғоноқ сувларининг вақтидан ерта кетиши, муддатидан аввалги туғруқ ташҳиси қўйилган бўлиб асосий гурух чақалоқларининг тана вазни қўйидаги 1 жадвалда келтирилган.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Асосий гуруҳ чақалоқларнинг тана вазни бўйича таснифи

1-жадвал

№	Чақалоқлар тана вазни бўйича(граммларда)	Чақалоқлар сони	Фоизларда
1	2500-1499 гр	19 нафар	63,3%
2	1499-999 гр	8 нафар	26,6%
3	999-500 гр	3 нафар	10%

Асосий гуруҳ чақалоқлари гестацион ёши бўйича қуидаги фоизларда аниқланди:

И. 28 Ҳафтагача 10%

II. 8-31ҳафталиклар-26.6%

III.32-36 ҳафталиклар -63.3%

Асосий гуруҳ чақалоқлардан 6(20%) нафари вафот этди: улардан 5 нафари кечки неонатал даврда вафот этиб, шундан икки нафари 28 ҳафталикгача бўлган даврда туғилган экстремал кам вазни муддатидан аввал туғилган чақалоқлар эканлиги аниқланди. Уларга туғилганда ҳомила ичи инфекцияланиши, нафас бузилиш синдроми, нафас етишмовчилиги оғир даражаси, муддатидан аввалги туғруқ ташхиси ва бир нафарида ичаклар парези, пневмония асорати билан реанимация бўлимида даволанган. Фақатгина ерта болалик даврида 1 нафар (4 ойлигидан) буйрак етишмовчилигидан вафот этди. Шартли соғлом гуруҳдаги чақалоқларда ривожланиш ва ўлим ҳолатлари кузатилмади.

Муддатидан аввал туғилган чақалоқларнинг нейросонография допплерографияси қилинганда бош мия гипоксик ешемик ўзгаришлари 95%да аниқланди. 1 нафар чақалоқ гипоксик ўзгаришлардан кейин 1ёшида болалар серебрал фалажи аниқланди.

Кузатилган чақалоқларнинг асосий гуруҳда анамнезидан 14 нафар чақалоқлар онасида ҳомила ичи инфекцияси (TORCH инфекциялари аниқланиб, амбулатор даволанган) белгилари ҳомиладорлик даврида

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

аниқланган. 12 нафарида преэкламсия ҳомила ичи инфекцияси аниқланиб шундан 5 нафарида фақат ҳомиладорлик преэкламсия касаллиги бўлиб, ерта туғилиш юз берган, 4 нафар чақалоқ оналари эрта туғилганлик сабабини ҳомила йўлдошининг вақтидан эрта кучиши ташҳиси билан кесарча кесиш операциясидан туғилган бўлиб, ҳомиладорлик даврида ҳомила тушиш хавфи фонида кечган.

Асосий гурӯҳ чақалоқларининг 18 (60%) нафарида кесарча кесиш оператив туғруғи, 12 (40%) нафари еса физиологик туғруқ орқали туғилди.

Асосий гурӯҳ чақалоқлар оналари анамнезида аввалги ҳомиладорлик тушиши ёки ривожланмай қолиши бирламчи ёки иккиламчи бепуштлик аниқланиб, ушбу ҳомиладорлик даврлари мобайнида кўп бора шифокорлар назоратида бўлган, шунга қарамасдан асосий гурӯҳ чақалоқларда туғилгандан кейин Апгар шкаласи бўйича соғлом чақалоқлар гуруҳига қараганда паст (3-5балл) баҳолар билан туғилди, чақалоқлар мослашиш даврида эмишнинг сустлиги, ташқи таъсирларга суст жавоб бериши, безовталик, нафас бузилиш синдроми ҳар хил даражада 27=(90%), сариқлик узоқ вақтгача чўзилиши $n=18(60\%)$ да талваса синдроми $8(26.6\%)$ да кузатилди ва клиникасида билирубиннинг ошиши узоқ вақтгача (30 кундан зиёд) даво муолажаларига қарамасдан баланд бўлиши кузатилди. Шартли соғлом гуруҳда бу клиник кўрсаткичлардан фақат сариқликнинг чўзилиши ва нафас бўзилиш синдроми кузатилиб, нафас етишмовчилигининг енгил даражаси кузатилди. Қолган асосий гуруҳда кўзатилган клиник кўринишлар учрамади. Анамнезида ЦМВИ инфекцияланиш белгиларисиз туғилган муддатидан аввал туғилган чақалоқлар гуруҳи билан таққосланганда асосий гурӯҳ чақалоқларига реанимацион чора тадбирлар 70% ҳолатларда муҳтож бўлганлиги аниқланди. Шунингдек мослашиш даврида эмишнинг сустлиги, ташқи таъсирларга суст жавоб бериши, нафас бузилиш синдроми ҳар хил даражада сариқлик чўзилиши кузатилди ва қоғонок сувларининг кўплиги ёки камлиги, лойқа эканлиги, 2 ҳолатда 18 соатдан зиёд умумун сувсизлик кузатилганидан сўнг туғилган чақалоқлар аниқланди. УТТ текшируvida

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

ҳомила йўлдошининг эрта етилиши ёки калцинатланиши ҳамда хориоамнионит белгилари 16 (53%) нафар чақалоқлар оналари анамнезида аниқланди.

Асосий гурӯх чақалоқларда лаборатория таҳлиллардан 3-5кунларда олинган умумий қон таҳлилида асосий гурӯхда лейкоситлар $13,02\pm1,12*10^9/\text{л}$ баланд бўлганлиги, гемоглобиннинг $111,93\pm2,84\text{г/л}$ пастлиги аниқланди (2-жадвал) қоннинг қолган таркибий қисмларида сезиларли патологик ўзгаришлар аниқланмади.

2 жадвал

Чақалоқларнинг туғруқхонада умумий қон таҳлили($M\pm m$) кўрсаткичлари.

№	Кўрсаткичлар	Асосий чақалоқлар гурӯхи (n=30)	Шартли соғлом чақалоқлар гурӯх (n=20)	P
1	Лейкоситлар, $10^9/\text{л}$	$13,02\pm1,12$	$8,12\pm1,12$	<0,001
2	Нейтрофиллар, %	$53,83\pm3,19$	$50,36\pm2,46$	>0,5
3	Лимфоситлар, %	$37,33\pm3,7$	$34,1\pm3,23$	>0,5
4	Моноситлар, %	$10,28\pm1,02$	$9,23\pm0,72$	>0,2
5	Еозинофиллар %	$1,15\pm0,24$	$1,61\pm0,25$	>0,1
6	Базофиллар, %	$0,18\pm0,03$	$0,11\pm0,03$	>0,1
7	Гемоглобин, г/л	$111,93\pm2,84$	$122,55\pm2,74$	<0,01
8	Тромбоситлар, $10^9/\text{л}$	$221,79\pm9,46$	$271,7\pm18,69$	<0,05
9	Эритроситлар чўкиш тезлиги, мм/с	$4,2\pm0,61$	$3,08\pm0,42$	>0,1

Еслатма: р –чақалоқ гурӯхлари орасидаги кўрсаткичлар фарқларининг ишончлилиги.

Қон биокимёвий таркиби таҳлил қилинганда қон гурӯхлари мос келишига қарамасдан умумий билирубин миқдори $77,55\pm4,37$ мкмоль/л, мочевина $8,17\pm1,14$ ммоль/л, креатинин $129,67\pm24,82$ мкмоль/л ва азот қолдиғи

асосий гурӯҳда (3-жадвал) ошғанлиги аниқланди.

3-жадвал

Чақалоқларнинг қон биокимёвий таҳлили кўрсаткичлари(М±м)

№	Кўрсаткичлар	Асосий чақалоқлар гурухи (n=30)	Шартли соғлом чақалоқлар гурух (n=20)	P
1	АЛТ, Ед/л	36,44±2,05	22,73±0,78	<0,001
2	АСТ, Ед/л	77,84±7,18	42,45±1,58	<0,001
3	Умумий билирубин микдори, мкмол/л,	77,55±4,37	51,09±2,3	<0,01
4	Бевосита боғланган билирубин, мкмол/л	4,79±0,36	6,39±1,18	>0,1
5	Билвосита боғланган билирубин, мкмол/л	62,74±4,09	58,08±8,38	>0,5
6	Азот қолдиғи, ммол/л	23,15±2,44	17,85±0,53	<0,05
7	Қондаги мочевина, ммол/л	8,17±1,14	4,14±0,20	<0,05
8	Қондаги креатинин, мкмол/л	129,67±24,82	46,23±1,83	<0,05
9	Сийдик кислота, ммол/л	271,8±79,02	3,82±0,15	<0,01
10	Ишқорий фосфатаза, ЕД	302,5±0,87	263,33±7,33	<0,001

Еслатма:п Р-чақалоқ гурӯҳлари орасидаги кўрсаткичлар фарқларининг ишончлилиги.

Нейросонография текширишлари таҳлил қилинганда асосий гурӯҳда базал ва перивентрикуляр зоналарда гипоксик-ишемик энцефалопатия (ГИЕ) ўзгаришлари 27 нафарида, вентрикуломегалия 6 нафарида, бош мия ичи қон қуйилишлари 8 нафарида, мезистесия 1 нафарида, 3 нафар чақалоқда ўзгаришсиз ҳолатлар аниқланди. Шартли соғлом чақалоқларда еса туғруқхонадаги мослашиш даври осон кечди ва юқоридаги муаммолардан

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

фақатгина УТТ текшируvida базал ва перивентрикуляр зоналарда ГИЕ ўзгаришлари 9 нафарида, вентрикуломегалия 1 нафарида аниқланиб, қолган чақалоқлар соғлиғида ўзгаришлар кузатилмади (4,5 жадвал).

4-жадвал

Янги туғилған чақалоқларда нейросонография қўрсаткичларининг қиёсий хусусиятлари. ($M \pm m$).

№	Кўрсаткичлар		ЦМВИ оналардан туғилған чақалоқлар $n=30$	Шартли соғлом чақалоқлар Гурухи $n=20$	P
1	Ён қоринчалар олдинги шоҳи чукурлиги	Ўнгда (0,2-0,3 см)	0,418±0,124	0,3±0,000	$p_1 \leq 0,05$,
		Чапда (0,2-0,3 см)	0,432±0,133	0,3±0,000	$p_1 \leq 0,05$,
2	Ён қоринча таналарининг чукурлиги	Ўнгда (0,2-0,3 см)	0,4487±0,172	0,300±0,000	$P_1 \leq 0,05$,
		Чапда (0,2-0,3 см)	0,425±0,185	0,300±0,000	$p_1 \leq 0,05$,
3	III - қоринчалар (0,3-0,5 см)		0,492±0,173	0,450±0,000	$p_1 > 0,5$;
4	IV - қоринчалар (0,3-0,5 см)		0,462±0,111	0,460±0,000	$p_1 > 0,5$

Шартли соғлом чақалоқлар ва асосий гурухи ўртасидаги қўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлилиги.

5-жадвал

Чақалоқлар бош мия нейросонографияси тахлил қўрсаткичлари

№	Касалликлар номи	Асосий чақалоқла р гурухи	Шартли соғлом чақалоқлар гурухи ($n=20$)

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

		(n=30)	
1	Базал ва перивентрикуляр зоналарда ГИЕ ўзгаришлари	27(90%)	9(45%)
2	Вентрикуломегалия	6(20%)	1(5%)
3	Бош мия ичи қон қўйилишлари	8(26,6%)	1(5%)
4	Мезистесия	1(3.3%)	0(0%)
5	Ўзгаришсиз	3 (10%)	11(55%)

Асосий гурух чақалоқларининг нейросонографиясида гипоксик ўзгаришлар 27(90%)нафарида ва қон қўйилиш белгилари 8(26.6%) нафарида аниқланди. Туғруқхона шароитида асосий гурух чақалоқлардан 18 нафарига марказий асаб тизимининг перинатал заарланиши ташхиси қўйилган бўлиб, шундан 11 нафарида қўзғалиш синдроми, 8 нафарида талваса синдроми ташхиси билан стандарт даво муолажаларини олган. Кечки неонатал даврда нейросонография текшириш тахлили 5 жадвалда келтирилган.

6 жадвал

Катамнезда бир ёшгача кузатилган касалликлар кўрсаткичи.

№	Чақалоқларнинг 1 ёшгача касалликлари	Асосий чақалоқлар гуруҳи (n=30)	Соғлом чақалоқлар гуруҳи (n=20)
1	Асаб тизими билан боғлиқ муаммолар	13(43.3%)	1(5%)
2	Нафас йўллари касалликлари	18(60%)	6(30%)
3	Ҳазм қилиш билан боғлиқ муаммолар	15(50%)	5(25%)
4	Сийдик йўллари касалликлари	8(26.7%)	1(5)
5	Сариқликнинг чўзилиши	10(33.3%)	2(10%)
6	Вафот этди (ўтқир буйрак этишмовчилигидан)	1(3.3%)	0(0%)

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

7	Болалар серебрал фалажи	1(3.3%)	0
---	-------------------------	---------	---

б жадвалдан шу нарса аниқландики, ЦМВИ билан заарланган оналардан туғилган чақалоқларда нафас йўллари ва ҳазм қилиш тизими муаммолари назорат гуруҳига нисбатан икки баробар кўп учради. Асаб тизими муаммолари (безовталиқ, талваса, оёқни ерта тута олмаслик, ташқи таъсирларга реаксиясининг суст жавоб бериш каби шикоятлар) назорат гуруҳидан 9-10баробар юқори эканлиги жадвалдан ҳам маълум. Сийдик йўллари заарланиши ҳамда физиологик сариқликнинг чўзилишида ҳам бирмунча юқори эканлиги кузатилди.

Чақалоқлар ривожланиш катамнези кузатилганда асосий гурух чақалоқларнинг саломатлигига тез-тез ўткир нафас йўллари касалликлари, пневмония, диарея ҳамда сийдик йўллари касалликлари кузатилди. Шартли соғлом чақалоқлар гуруҳида еса бу саломатлик кўрсаткичларида муаммолар кузатилмади. Онасида ЦМВИ бор оналар ҳомиладорликдан аввал шифокор назоратида бўлиб маҳсус текширишлардан ўтиши кераклиги лозим шу билан бирга ҳомиладорлик даврида тез-тез қонда ЦМВИ-га IgM ва IgG антителаларини аниқлаб туриш лозимлигини, антителалар ошган вақтда маҳсус даво чораларини ўтказилиши тавсия этилади. Бу эса ҳомилада кузатилиши мумкин бўлган ЦМВИ-нинг эрта ва кечки асоратларини олдини олишга хизмат қиласи. ЦМВИ аниқланган чақалоқлар буйраклари ерта болалик даврларида буйракларни тез-тез ултратовуш текшируви ва умумий сийдик таҳлилидан 1йилда икки марта ўтказилиб турилиши лозим.

Хуроса: ЦМВИ инфекцияси ҳомиладор аёллар организмига сездирмасдан таъсир қилиб, она организмининг иммун тизими пасайиши, ҳомила йўлдошининг заарланиши оқибатида ва она организмига қўшимча касалликлар қўшилиши натижасида ҳомиланинг она қорнида ЦМВИ-нинг ўтиши туғилажак чақалоқларнинг барча орган ва тизимларга таъсир қилиши ва муддатидан аввал туғилишига олиб келиши мумкин. ЦМВИ бор чақалоқлар илк болалик даврида асаб тизими ва бошқа органлар заарланиши билан боғлиқ асоратланиши кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Барычева Л.Ю., Голубева М.В., Кобулова М.А., Косторная И.В. Клинические и морфологические особенности пороков развития у детей с врожденными цитомегаловирусной и токсоплазменной инфекциями. Российский вестник приматологии и педиатрии №3.2015.
2. Дьячук Е. В. Клинико-лабораторная характеристика цитомегаловирусной инфекции у беременных и детей первого года жизни: ГБОУ ВГТО - Санкт-Петербург, 2012.
3. Иванова Д.Д., Калантаренко Ю.В., Корочев А.В., Кучма И.Л., Паламар П.С. Оригинальные статьи №2. 2012; Сафина А.И, Даминова М.А; Н.Н.; Смирнова 2019.
4. Кочкина С.С., Ситникова Е.П., Особенности цитомегаловирусной инфекции: обзор литературы. Педиатрия. № 6 (123), 2016. Стр.1-12.
5. Конькова Н.Е., Длин В.В., Игнатова М.С., Турпитко О.Ю., Варшавский В.А., Голицына Е.П. Врожденный нефротический синдром у ребенка с цитомегаловирусной инфекцией. Российский вестник перинатологии и педиатрии №3.2010.
6. Комарова А.А., Антонова И.В., Любавина А.Е., Антонов О.В. К вопросу о роли цитомегаловирусной инфекции в развитии хронического вторичного пиелонефрита у детей раннего возраста // Journal of Siberian Medical Sciences. - 2015. - №5. – 5 с.
7. Полин Р.А., Спитцер А.Р. Секреты неонатологии и перинатологии. / Пер.с англ. под общей ред. Н.Н. Володина. М.: Издательство БИНОМ, 2013 – 624 с.
8. Сафина А.И Вирусные инфекции и поражения почек у детей. Педиатрия, 2019. Том 98, №2.
9. Сотников И.А. Клинико-лабораторное значение активной формы цитомегаловирусной инфекции у детей с соматической патологией. Автореферат 2017

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

10. Цинзерлинг В.А. Внутриутробные инфекции: современный взгляд на проблему // Журнал инфектологии. – 2014.–Т. 6.–С. 5–10
 11. Шиканова С.Ю., Ералиева Л.А., Онгарбаева Н.Х. Катамнез детей, рожденных от матерей с цитомегаловирусной инфекцией. Медицинский журнал западного Казахстана 2.16 2015г.
 12. Щербак В.А. Современные представления о цитомегаловирусной инфекции у детей раннего возраста / В.А. Щербак, Н. Г. Попова, Н. Н. Степанова // Забайкальский медицинский вестник. - 2013. - № 1. - С. 166-174.
- .